



MOTURIDIYLIK

الماطريديّة - THE MATURIDIYYA - МАТУРИДИЗМ

Narsalarning asl mohiyatini
bilishga olib boradigan yo'llar - hissiy anglash,
rost xabar va aqldir.



MOTURIDIYLIK



The Maturidiyya - الماتريديّة - Матуридизм



ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

- Музаффар КОМИЛОВ – тарих фанлари номзоди, доцент
- Нуридин ХОЛИҚНАЗАРОВ – Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий
- Шоазим МИНОВАРОВ – Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази директори
- Давронбек МАХСУДОВ – тарих фанлари доктори, доцент
- Зоҳиджон ИСЛОМОВ – филология фанлари доктори, профессор
- Аҳаджон ҲАСАНОВ – тарих фанлари доктори, профессор
- Шовосил ЗИЁДОВ – тарих фанлари доктори, доцент
- Жамолиддин КАРИМОВ – тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
- Аҳмад Саъд ДАМАНҲУРИЙ (أحمد سعد الدمنهوري) – илоҳиёт фанлари доктори
- Махмуд Эрол ҚИЛИЧ (Mahmud Erol KILIÇ) – доктор, профессор, IRCICA Бош директори
- Назир Муҳаммад АЙЁД (نظیر محمد عیاد) – илоҳиёт фанлари доктори, Ал-Азхар мажмуаси Ислом тадқиқотлари академияси Бош котиби
- Режеп ТУЗЖУ (Recep Tuzcu) – илоҳиёт фанлари доктори, профессор, Салжук университети хузуридаги Имом Мотуридий тадқиқот маркази директори
- Аширбек МУМИНОВ – тарих фанлари доктори, профессор, IRCICA Бош директорининг дастурлар бўйича маслаҳатчisi
- Камалуддин Нурдин МАРЖУНИ (Kamaluddin Nurdin Marjuni) – илоҳиёт фанлари доктори, Малайзия ислом фанлари университети кафедра мудири
- Дониёр МУРАТОВ – тарих фанлари номзоди, доцент
- Одил ЭРНАЗАРОВ – тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Ўзбекистон Республикаси Дин шилари бўйича қўмитасининг 2023 йил 7 мартағи 03-07/1503-сонли холосаси асосида тайёрланди.

МУНДАРИЖА

- Nigora Yusupova. Исломда гендер тенгликнинг ўзига хос тамойиллари3
- Shoislom Akmalov. Янги Ўзбекистон маърифий такомилида илмий марказларнинг ўрни12
- Ilhomjon Bekmirzayev, Azamkhan Kambarov. “Ҳидоя” асарининг ёзилиш тарихи ва унинг турли тиллардаги таржималари19
- Nematulla Nasrullahov. Убайдуллоҳ ибн Масъуднинг “Тавзих” асари манбалари хақида29
- Muhabbatkhon Agzamova. “Тарих ар-Русул вал-мулук” асарида ислом манбалари асосидаги ривоятларнинг баён этилиши41
- Nigora Khakimova. “Маҳосин” асарида енгиллаштириш тамойилининг қўлланилиши ...48
- Bakhodir Daminov. Жамиятда диний мутаассибликни вужудга келтирувчи турли омиллар таҳлили55
- Bakhodir Pirmukhamedov. Маҳмуд Замахшарийнинг “Рабиъ ал-аброр” асарининг методологияси65
- Akhmadkhan Alimov. Мотуридий уламоларининг калом илми ривожига қўшган ҳиссаси72
- Abdulaziz Yakhshilikov. Сабаби нузул илми ривожланиш босқичларини тадқиқ этишнинг назарий масалалари83
- Ikhtiyor Abdurahmonov. “Шарҳ ат-Таъвилот” асари қўлёзмаларининг манбашунослик тавсифи91
- Mamatjon Erkayev. Ижара ақди билан бөлгик ояллар таҳлили98
- Nodir Shomirzayev. Реабилитация тушунчасининг шаклланиши ва диний реабилитациянинг ривожланиш тарихи107
- Ulugbek Jorayev. Туркия тарихида мотуридийлик таълимотининг ривожланиш босқичлари таҳлили118
- Jasurbek Abduqodirov. The role of Imam Maturidi's mausoleum in the development of pilgrimage tourism in Uzbekistan124
- Pirnazar Rajapov. Saljuqiylar davlatining shakllanish jarayoni (1038–1157)130
- Абу Мансур Мотуридий (тарихий романдан парча)140

Ilhomjon I. BEKMIRZAYEV,
Professor of the International Islamic
Academy of Uzbekistan, (DSc).
11, A.Kadiri str 100011,
Tashkent, Uzbekistan.
E-mail. ilhomorient@gmail.com

Azamkhan M. KAMBAROV,
Senior teacher of the International
Islamic Academy of Uzbekistan.
11, A.Kadiri str 100011,
Tashkent, Uzbekistan.
E-mail. kambarovazam@gmail.com

DOI: 10.47980/MOTURIDIY/2023-1/3

“ХИДОЯ” АСАРИНИНГ ЁЗИЛИШ ТАРИХИ ВА УНИНГ ТУРЛИ ТИЛЛАРДАГИ ТАРЖИМАЛАРИ

HISTORY OF THE WRITING OF THE WORK “AL-HIDAYA” AND ITS TRANSLATIONS IN DIFFERENT LANGUAGES

ИСТОРИЯ НАПИСАНИЯ ТРУДА “ХИДАЯ” И ЕГО ПЕРЕВОДЫ НА РАЗНЫЕ ЯЗЫКИ

КИРИШ

Мовароуннарлик факиҳлар томонидан яратилган 20 га яқин фикҳий манба Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбоний раҳимаҳуллоҳнинг “ал-Жоме ас-сагир” асарини шарҳлашга багишланган бўлиб, Мовароуннарх факиҳлари ўша даврда бу манбани ёдлар эдилар. Бурхонуддин Маргиноний (ваф. 593/1197) эса, ушбу ёзилган асарларни ҳажм жиҳатидан катта бўлгани, ўқувчига уни ўзлаштиришда қийинчилик тутдиргани учун ҳажм жиҳатидан кичик, мазмунан эса, барча фикҳга доир мавзуларни ўз ичига қамраб олган, ўқувчилар ёдлаб олишлари ва керакли фикҳий масалани осон топишда қулай бўлган асар яратишни максад килган эди. Бурхонуддин Маргиноний таҳминан, 1165 йилда Богододга келганида Қудурийнинг “Мухтасар ал-Қудурий” асарини ўзи билган фикҳга оид асарлар ичida энг муносиб манба экани ва ўзига жуда манзур бўлганини таъкидлайди (Соид Бектош, 2019). Натижада у дастлаб, Муҳаммад Шайбонийнинг “ал-Жоме ас-сагир” ва Қудурийнинг “Мухтасарул-Қудурий”

асарлари асосида ўзининг “Бидоятул-мубтадий” асарини ёзди. Муаллиф кейинчалик ушбу асарига “Кифоя ал-мунтахий” номли шарҳ ёзди. Лекин ушбу шарҳи ҳажман катта бўлиб кетгани сабабидан ўқилмай қолишидан қўрқди. Шундан сўнг, Бурхонуддин Маргиноний “Бидоят ал-мубтадий” асарига аввалги “Кифоят ал-мунтахий”га нисбатан киска, замондош факиҳлар фатволарини жамлаган ва барча соҳаларда ҳанафий фикҳини ўзида мужассам қилган асари “Ҳидоя”ни ёзишга киришди (Қориев Одил, 1993). Муаллиф ушбу “Ҳидоя” асарини ўн уч йил давомида, рўздор ҳолатида ихлос ва илмга муҳаббат билан ёзданги кайд этилган. Ушбу саъий-харакат “Ҳидоя”ни то ҳозирги кунимизга қадар илм ахлиниң эътиборидан тушмаган мўътабар манба ўларок етиб келишига сабаб бўлди. Бурхонуддин Маргиноний “Ҳидоя” асарини ҳижрий 573/1177 йил зулқаъда ойининг 4-куни ёзиб тутатган.

“Ҳидоя” асарини ўз замонасида машхур қилган Бурхонуддин Маргинонийнинг энг яқин шогирди – Шамсул-аймма Муҳаммад ибн Абдусаттор Кардари (ваф. 642/1244) хисобланади. Шамсул-аймма Кардари шу билан бир пайтда Муҳаммад ибн Абу Бақр Имомзода (ваф. 573/1177–78), Аҳмад ибн Абу Бақр Собуний (ваф. 580/1184–85), Умар ибн Бақр Заранжарий (ваф. 584/1188–89), Аҳмадибн Муҳаммад Аттобий, Ҳаммод ибн Иброҳим Саффор, Фахруддин Қозихон, Умар ибн Муҳаммад Ақилий (ваф. 596/1199–1200), Маҳмуд ибн Аҳмад Фарйобий (ваф. 607/1210–11) каби замонасининг машхур факиҳлари қўлида ўқиган ва улар номидан ривоят қилиш хукуқига (ал-ҳаққ би-р-ривоя) эга бўлган. Кафавий Шамсул-аймма Кардариини мукаллид ҳанафий факиҳларининг учинчи табакасига киритган (Маҳмуд ибн Сулаймон ал-Қафавий, или кўрсатилмаган)

АСОСИЙ ҚИСМ

Бурхонуддин Маргиноний 511/1118 йили ражаб ойининг саккизинчи куни душанбада чошгоҳ пайтида таваллуд топган Аллома умрининг асосий даврини Самарқандда ўтказиб. 593/1197 йили Самарқандда вафот этган ва Чокардиза кабристонига дағн қилинган (Лыкошин Н., 1907).

Маргинонийлар сулоласи. Мовароуннарх фикҳ мактаби тарихида Маргинонийлар сулоласининг ўрни бекиёсdir. Умуман, Маргиноний

Аннотация. Фақиҳларнинг бир неча авлодлари олиб борган фаолиятлари түфайли Мовароуннахр мактабининг анъаналари ва унинг намояндаглари асарларидан ҳанафиийлик мазҳабида бўлган турли минтақаларда кенг тарқалди. Мовароуннахрлик муаллифларнинг асарлари фикҳ амалиётида қўлланма сифатида ҳам, талабаларни ўзлаштишида дарслик сифатида ҳам фойдаланилди.

Мана шундай алломалардан бири Бурхонуддин Маргиноний (ваф. 1196 й.) эдилар. Бу улуг зотнинг тўлиқ исмлари – Бурхонуддин Али ибн Абу Бакр ибн Абдужалил Рошидоний Маргиноний Фарғоний. “Шайхулислом” ва “Соҳибул Ҳидоя” атамалари билан машҳурdir. Кўпинча фақиҳларнинг “Китоб ал-Ҳидоя”ни ўзлаштиришидаги исноналари алоҳида келтирилиши ва кўпкаб шарҳланиши Бурхонуддин Маргинонийнинг мазкур асари катта обрўга эга эканига далолат қиласи. Ушбу мақолада “Ҳидоя” асарининг таркибий тузилиши ва у бўйича олиб борилган тадқиқотлар ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлинади.

Калил сўзлар: Бурхонуддин Маргиноний, Ҳидоя, Мухтасар ал-Қудурий, Жоме ас-сагир, Муҳаммад Шайбоний, ҳанафиий мазҳаби, фикҳ, фақиҳ, Бидоят ал-мубтадий, Кифоят ан-мунтаҳий.

Abstract. Due to the activities of several generations of jurists, the traditions of the Mawarannahr school and the works of its representatives spread widely in various regions where the Hanafi madhab was followed. The works of authors of Mawarannahr were used both as a guideline in the practice of fiqh and as a textbook for teaching students.

One such scholar was Burhanuddin al-Marghinani (d. 1196). The full name of this great man is Burkhanuddin Ali ibn Abu Bakr ibn Abduljalil ar-Rashidani al-Marghinani al-Farghani. He is known by the titles “Shaikh al-Islam” and “Sahib al-Hidayah”. This work of Burkhanuddin al-Marginani has a great reputation because the isnads of the jurists in mastering the “Kitab al-Hidayah” are cited separately and many comments were written on it. This article provides complete information about the structure of the work “al-Hidayah” and the research conducted on it.

Keywords: Burhanuddin Marghinani, al-Hidayah, Mukhtasar al-Quduri, al-Jami as-saghir, Muhammад Shaybani, Hanafi madhab, fiqh, jurist, Bidayat al-mubtadi, Kifayat al-muntahi.

Аннотация. Благодаря деятельности нескольких поколений факихов традиции школы Мавераннахра и труды ее представителей получили широкое распространение в различных регионах ханафитской школы. Произведения авторов Мавераннахра использовались и как руководство в практике фикха, и как учебник для обучения.

Одним из таких ученых был Бурхануддин Маргинани (ум. 1196). Полное имя этого великого ученого – Бурхониддин Али ибн Абу Бакр ибн Абдужалил Рошидани Маргинани Фарғани. Он знаменит такими титулами как “шайхулислом” и “Сахиб ал-Ҳидая”. То что парвоведы чаще всего ссылаются на “Китаб ал-Ҳидая”, а также многочисленные комментарии к этому труду указывают на то, что этот труд Бурханиддина Маргинани имеет большую известность. В данной статье представлена полная информация о структурной структуре произведения “Ҳидая” и проведенных над ним исследований.

Ключевые слова: Бурхануддин Маргинани, Ҳидая, Мухтасар аль-Қудури, Джами ас-сагир, Муҳаммад Шайбани, ханафитский мазхаб, фикҳ, факих, Бидоят аль-мубтади, Кифоят аль-мунтахи.

машҳур факихлар сулоласининг исми ва насаби сифатида танилган. Улар Фаргона водийсининг ҳозирги Марғилон (Маргинон) шаҳрида яшаганликлари учун, Маргиноний номи билан шуҳрат козонган.

Бурхонуддин Маргинонийнинг илмий мероси. Бурхонуддин Маргиноний ёшлигиданок тинимсиз илм ўрганди ва ҳанафиий мазҳаби бўйича ўз даврининг буюк факихи даражасига кўтарилди. Унинг фикҳ илми бўйича бундай юксак даражага кўтарилиши учун қуийдаги омиллар сабаб бўлди:

Биринчидан, у олий истеъод, ўткир тафаккур эгаси ва илм-фан шайдоси эди. Илмга кизикиш уни узок сафарларга чорлаб, ўша даврнинг асосий фанларини ўзлаштириши учун имкон яратиб берди.

Иккинчидан, у яшаган давр Шарқ уйғониш даврининг биринчи босқичи бўлмиш IX–XII асрларга, яъни Ўрта Осиёда жамият тараққиёти учун фикҳ илмига катта зарурат тутгилган бир даврга тўғри келди. Фикҳ илми бўйича у ёзган асарлар, айникса, “Ҳидоя” китоби ўша давр хукукий муаммоларини ечиб беришга каратилган эди.

Учинчидан, Маргинонийнинг Абу Ҳанифа Нўймон ибн Собит раҳимаҳуллоҳ асос соглан ҳанафиий мазҳаби, яъни хукукий мактабига мансублиги ҳам унинг ўсиб, камолот чўккисига кўтарилиши учун катта омил бўлди. Негаки, Абу Ҳанифа шариатнинг учта асосий манбаси (Куръон, сунна, ижмо)дан кейин, тўртинчи манба

бўлмиш рационал манба, яъни қиёсга бошқа мазҳабларга нисбатан кўпроқ эътибор қаратгани билан ажралиб туради. Шунингдек, ҳалқ ичида ёйилиб, уларнинг ҳаётига сингиб кетган урфодатлар ҳанафий мазҳабида ҳукуқий муаммаларни ҳал қилишда қўшимча манба сифатида кенгроқ кўламда кўлланилади.

Мазкур омиллар, айниқса, ҳанафий мазҳабининг раъи ва қиёсга таянгани Бурхонуддин Маргинонийга ўз малакасини ошириб, ислом ҳукуки фалсафасининг туб моҳиятини англаб олиш ва бу чексиз соҳада эркинлик билан фикр юритиш учун муносиб шароит яратиб берди.

“Ҳидоя” асарининг 200 дан ортиқ кўлёзма нусхалари бугунги кунда дунёning кўплаб кўлёзма фонdlарида жумладан, Кувайт (ал-Кувайт), Тунис (Тунис), Саудия Арабистони (Макка, Жидда, Тоиф), БАА (Абу Даби), Сурия (Дамашк), Қатар (Доха), Германия (Берлин), Австрия (Вена), Голландия (Лайден), Франция (Париж), Англия (Лондон, Оксфорд), АҚШ (Принстон), Швеция (Упсала), Италия (Болония), Россия (Санкт-Петербург), Жазоир (ал-Жазоир), Туркия (Истанбул), Миср (Қохира), Покистон (Пешовар ва Исломобод), Ҳиндистон (Рампур) кўлёзма архивларида сакланиши бу асарнинг қанчалар эътироф этилганлигини кўрсатади (Кориев Одил., 2009).

“Ҳидоя” асарига ёзилган шарҳлар. “Ҳидоя” китоби тўққиз асрдан буён ҳанафий мазҳаби бўйича энг мухим ва мўътабар кўлланма сифатида барча мусулмон мамлакатлари мадрасалари ва исломий олий ўқув юртларида ўқитилиб келинмоқда. Унинг матни ва қисқартмалари устидан машҳур факиҳлар томонидан 60 дан ортиқ шарҳлар ва ҳошиялар ёзилиб, ушбу мазҳабнинг тарқалиши йўлида таъсиричан омил сифатида хизмат қилиб келгани ҳаммага маълум (Хожи Халифа, 1981).

Ҳозирда бизгача етиб келган “Ҳидоя”га ёзилган шарҳларнинг сони 35 тадан ошади. Агар биз “Ҳидоя”нинг қисқартмаси “ал-Викоя” ва унинг қисқартмаси “Мухтасар ал-виқоя” устида ёзилган кўп сонли шарҳларни ҳам назарда тутадиган бўлсан, унда Ҳидоя ва унинг қисқартирилган матнлари устида ёзилган шарҳлар сони 50 тадан ошади. Қуръони каримдан кейин ислом ҳукуқининг асосий манбаларидан бири бўлмиш, Бухорийнинг “ал-Жоме ас-саҳиҳ” китоби бўйича, Броккелман “Араб адабиёти тарихи” китобида ёзишича, 43 та шарҳ ёзилган ва немис исломшунос олими Аҳлварднинг ёзишича, факатгина

Берлиндаги қўлёзмалар рўйхатига унинг 60 та шархи киритилган (Brockelmann C., 1898–1993) Айтиш мумкинки, Бухорий асаридан кейин, Маргинонийнинг “Ҳидоя” асари, энг кўп шарҳга эга бўлган китобларданdir. Бу эса, “Ҳидоя”нинг қанчалик буюк илмий, амалий ва ҳаётий аҳамиятга молик эканлиги инкор қилиб бўлмайдиган далиллардан бири ҳисобланади.

Айтилганлардан яққол кўриниб турибдики, “Ҳидоя” китоби буғунги кунга қадар ислом ҳукуки бўйича барча соҳаларда ўз таъсирини ўтказиб келган ва факиҳларнинг кўпчилиги, уларнинг мазҳабларидан қатъи назар, унга катта эътибор билан қараганлар. Шу сабабли унинг устидан жуда кўп шарҳлар ёзилиб, баъзан эса қисқартилишиб, қисқартмаси устидан ҳам кўп шарҳлар ёзилган. “Ҳидоя”ни Бухоролик Садрушшираи ўз невараси иккинчи Убайдуллоҳ ибн Масъуд (ваф. 747 x) учун қисқартирган. Тожушшираи Махмуд ибн Садрушшираи биринчи ўз қисқартмасини “Викоят ар-ривоя фи масоил ал-Ҳидоя”, деб атаб, унинг муқадиммасида Ҳидоя ҳақида қуйидаги-дек фикр билдирган эди: “Ҳидоя” фахрланишга арзигулик бир нафис ва олий асар, тўлқинлантирувчи бир уммон, юксак ўринли, қимматли, ўз аниқ далиллари ва ҳужжатлари билан катта аҳамиятга эга, чексиз яхши томонлари ва аниқ жумлалари билан ҳаммага файзу барака манбаси бўлиб келган бир китобдир” (Ўзбекистон Фанлар академияси, йили кўрсатилмаган).

Ушбу асарни иккинчи Садрушшираи ҳам шарҳлаган (Шарҳ ал-Викоя) ва уни қисқартириб “Ниқоя” ёки “Мухтасар ал-Викоя” деб атаган. Ушбу “Ҳидоя” қисқартмаси устидан факиҳлар томонидан араб, форс, турк, татар ва урду тилларида ўндан ортиқ шарҳлар ва улар устида ҳошиялар ёзилган.

“Мухтасар” ҳақида охирги катта шарҳ тошкентлик олим Мақсадхўжа ибн Мансурхўжа томонидан ўзбек тилида ёзилиб, “Мажмाъ ал-мақсад” номи билан икки жилда 1917 йилгача Тошкент босмахоналарида икки марта 1080 бет ҳажмда нашр қилинган эди. Охирги қайта тўлдирилган нашри 2015 йили “Шарқ” нашриётида икки жилда нашр этилди (Мақсадхўжа ибн Мансурхўжа, 2015).

Бундан ташқари Бурхонуддин Маргинонийнинг “Ҳидоя” асарига Ҳисомуддин ибн Али Сигноқий Ҳанафий шарҳ ёзиб уни “Ниқоя” деб атаган, Али ибн Зариф Бухорий (икки жилда шарҳ ёзиб, “Фавоид” деб атаган), Мухаммад ибн Мухаммад Бухорий Кокий (“Меърож

ад-дироя” деб атаган), Абул Аббос Ахмад ибн Соружий (“Китоб ал-иймон”гача ёзиб, “Иноя” деб атаган), кози Саъдуддин Мухаммад ибн Мухаммад Дайрий (“Бобал-муртад”гача олти жилдда шарҳ килган), Жалолуддин Умар ибн Мухаммад Хаббозий ёзган ҳошия катта шуҳрат козониб, Мухаммад ибн Ахмад Қунавий ушбу ҳошияни тўлдириб, “Такмилат ал-фавоид” деб атаган. Қавомуддин Амир котиб ибн амир Умар Итқоний Ҳанафий томонидан “Фоятул-баён ва нодират ал-акрон” номли уч жилдлик шарҳ бўлиб, муаллиф ушбу шарҳни 26 йилу 6 ой давомида Ироқ, Багдод ва Дамашк шаҳарларида илмий фаолият олиб бориб тутатган. “Фатҳ ал-қодир лил-ожиз ал-факир” Камолиддин Мухаммад ибн Абдулвоҳид Сийвосий Ибн Ҳумом Ҳанафий томонидан “Китоб ал-вакола”гача ёзилган икки жилдлик шарҳ. Али Қорий мазкур шарҳ учун икки жилдлик ҳошия ёзган. Қозизода муфтий Ахмад ибн Қўрд китобнинг шарҳини охирига-ча тўлдириб, Иброҳим ибн Мухаммад Ҳалабий “Фатҳ ал-қодир”ни бир жилд килиб қисқартирган. Шуни ҳам таъкидлаш керакки, “Фатхул-қодир” ва унинг ҳошия ва кўшимчалари катта шуҳрат ва эътибор козониб, Миср, Ҳиндистон ва бошқа мамлакатлардаги мадрасаларда ўқитилган Туркиялик олим Акмалиддин Мухаммад ибн Маҳмуд Бобартий томонидан “Иноя” номи билан ёзилган икки жилдлик шарҳ. Бу шарҳ Туркиядагатта эътибор ва ахамиятга эга бўлиб, муфтий Саъдуддин Тафтазоний унинг устида бир ҳошия ёзган (Ҳожи Халифа, 1981).

“Ҳидоя” асарининг таркиби тузилиши ва ёзилиши услуги Бурхонуддин Маргиноний ёзган тўрт жилдлик “Ҳидоя” китоби, ҳанафий мазҳаби бўйича, энг муҳим ва мукаммал ҳуқуқий манба сифатида 57 та китоб, 165 та боб, 152 та фаслдан таркиб топган бўлиб, мерос ҳуқуқидан ташқари, фуруъ ал-фикҳнинг барча соҳаларини камраб олган. Бурхонуддин Маргиноний мерос ҳуқуқини ўз китобига киргизмаганининг сабаби, Абу Ҳанифа мерос муаммоларини бир мустакил фан сифатида фикҳ илмидан ажратиб, уни “фароиз илми” деб атагани сабаблидир.

“Ҳидоя”нинг арабча матни 4 жилдан иборат бўлиб унинг ҳар бир жилди шариат нуқтаи назаридан ибодат ва ижтимоий ҳаётдаги турли хил муаммоларнинг шаръий-ҳуқуқий ечимига багишланган.

Биринчи жилди 5 китобдан иборат бўлиб, таҳорат ва амалий ибодатлар намоз, рўза, закот ва ҳаж масалаларига багишланган. Бу жилд 47 та боб ва 37 та фаслдан иборат.

Иккинчи жилдга никоҳ, эмизиш ҳуқуқи, талок килиш, кулларни озод килиш, топиб олинган болаларнинг насабини аниклаш, топиб олинган нарса, қочиб кетган куллар, бедарак йўқолгандар ва йўқолган буюмлар, шерикчилик шартлари, вакф ҳуқуқи каби масалалар киритилган. Бу жилд 60 та боб, 36 та фаслдан ташкил топган.

Учинчи жилд 14 та китобни ўзи ичига олади. Булар: савдо-сотиқ, саррофлик (яъни, пул айрбошлиш) масалалари, кафолат, ҳавола (яъни, қарзни бировга ўтказиш), қозиларнинг вазифалари, гувоҳлик бериш, берилган гувоҳликдан қайтиш, ваколат, даъво, икрор бўлиш, сулҳ, музраба (яъни, бир ишга пул тикиш оркали шерик бўлиш), вадиа (яъни, пулни сақлашга бериш). қарз бериш, совга, ижара, муайян шарт асосида чекланган озодлик берилган куллар, волийлик (патронат), мажбур килиш, ҳомийлик, қисман озод бўлган куллар ва босқинчилик ҳусусидаги масалалар ўрин олган. Бу жилдда 36 та боб, 37 та фасл бор.

Тўртингчи жилдда эса, шафеълик ҳуқуқи (яъни, имтиёзли ҳуқук асосида сотиб олиш), меросни таксимлаш, дехкончилик ҳамда бoggдорчиликка доир шартномалар, қурбонликка сўйиладиган жонликлар, қурбонлик килиш шартлари, шариатга зид келадиган нарсалар ҳақида, ташландик ерларни ўзлаштириш ҳусусида, тақиқланган ичимликлар, овчилик, гаровга бериш ва олиш, жиноятлар, хун ҳақи тўлаш, васият каби ҳуқукий масалалар ёритилган. Бу жилд 23 та боб, 38 та фаслдан иборат.

МУҲОКАМА

“Ҳидоя” муаллифи ниҳоятда муҳим ва мунозарали масалаларни ёритмоқчи бўлганда саҳобалар, мазҳаб асосчилари, буюк факиҳлар исмлари, жўғрофий ва тарихий жойлар, турли тоифа ва қабилалар номларини зикр этади. Абдулҳай Лакнавий “Фавоид ал-баҳия” асарининг мukaddimasida Ҳидоянинг биринчи қисмida зикр этилган саҳобалар ва тобеин исмлари 50 дан кўпроқ, тоифа ва уруглар номлари 12 та, жуғрофий ва тарихий жойлар номи 55 та эканлигини кўрсатиб, уларнинг ҳар бири ҳақида қисқача маълумот бериб ўтган. У Маргиноний

асарида келган тўқсондан ортиқ буюк факиҳлар, мужтаҳидлар, жумладан, машхур саҳобалар ва мұхаддислар исламини ҳамда уларга тегишли бўлган маълумотларни зикр этади. Шундан келиб чиқиб, “Ҳидоя” муаллифининг иши қанчалик оғир ва кенг қамровли эканлигини тушуниш кийин эмас.

Бурхонуддин Маргиноний “Ҳидоя” китобида ҳукукий муаммоларни ечиш жараёнида нафакат тўртта асосий мазҳаб (ҳанафий, моликий, шофеий мазҳаблари), балки Зоҳирий ва Авзой мазҳабларига доир фикр ва мулоҳазаларни ҳам, ўрни келганда бериб ўтган ва хар бири ҳақида ўз нуктаи назарини билдирган.

Бурхонуддин Маргиноний “Ҳидоя” китобини ёзишда ўзига хос услугуб яратди. Унинг ҳар бир ибораси ниҳоятда қисқа ва муҳтасар, фиқҳий ҳукмларни ифодаловчи жумлаларнинг ҳар бири бир умумий қоида шаклида берилади. Унинг иборалари мўъжаз, яъни қисқа ва сермазмун, сўзларининг таркиби пухта, нуқсонсиз бўлиб, сунъийликдан узок. У кўп зарурат сезмаса, синоним сўзлардан фойдаланмайди. Ҳашв ва завоидни (керак бўлмаган ортиқча сўзларни) ишлатмайди. Унинг ёзиш услуги “саҳли мумтаний” (яъни, осон, содда, лекин унингдек қилиб ёзиш мумкин эмас) дир.

Муаллиф, “Ҳидоя”ни ёзишда ўзига хос бўлган қиска сўзлар, истилоҳлар (атамалар) ва ихчам ибораларни ишлатади. Ушбу иборалар “Ҳидоя” устидан ёзилган кўп шарҳлар ва ҳошияларда муаллифлари томонидан изоҳлаб берилган. Мазкур манбаларга асосланиб, Ҳожи Халифа (Котиб Чалабий), Шайх Абдулхақ Дехлавий ва Абдулҳай Лакнавий ўз асарларида уларни изоҳлаб ўтганлар. Улардан айримлари қуйидагилардан иборат:

Муаллиф асарда “قال رضي الله عنه” (Ундан Аллоҳ рози бўлсин айтади) деса, ўзини назарда тутган, усмонийлар козиси Абу Сууд айтади: “Ҳидоя” соҳиби қаҷон ўзининг сўзини келтирса, “قال العبد رضي الله عنه” (Зайф банда, Аллоҳ уни афв қиласин, айтади), иборасини келтирган. Лекин вафотларидан сўнг баъзи шогирдлари бу иборани “قال رضي الله عنه” (қола розийаллоҳу анҳу) иборасига ўзгартирганлар” (Kavakci Y., 1976).

Демак, муаллиф манманлик шубҳасидан сакланиш учун ўзини биринчи шахсда зикр қилмаган. Камтарлик улуг факиҳ ва мұхаддис раҳимаҳуллоҳнинг доимий одати бўлган.

Факиҳ ўзи ихтиёр килган мазҳаб далилларини энг сўнгида келтиради. Яна шундай

доимий одатидан бири, гарчи буюк факиҳларнинг сўзларини санаганда кўпинча биринчи бўлиб энг кучли сўзни келтирса, ихтилоғли сўзларга далил келтирган вақтда охири келтирилган далил олдингисига жавоб ўрнида бўлиши учун энг кучли сўзнинг далилини охирида келтиради.

— “фи диёрино” (бизнинг диёремизда) деганда, у Мовароуннахр шахарларини назарда тутади.

“қола машойихуно” (бизнинг шайхларимиз, яъни устозларимиз дедилар)дан мурод, у Мовароуннахр (Бухоро, Самарканд) олимларини назарда тутади.

Муаллиф “фиқҳ” сўзи билан, ақлий далилни ифодалайди. Масалан, “الفقه فيه كذا” (яъни ушбу масала ҳақида ақлий далил қуйидагидек...), Муаллиф ўзини худбинлиқдан саклаш максадида “мен” сўзини ўз фикрини билдиришда ишлатмаган.

Унинг одатларидан бири шундаки, назарida маъкул кўринган мазҳаб далилини асар охирида келтиради. Қозизода Румий лакаби билан машхур бўлган Зайниддин Шайх Мухаммад Афанди “Натоиж ал-афкор” китобида ёзишича, муаллиф турли мавзулар учун далил келтириш жараёнида энг кучли далилни ҳаммасидан охирида келтиради. Бундан унинг максади, охирги сўзни юқорида зикр этилган масала учун далил сифатида қўллашдир.

Муаллиф илгари зикр этилган оятга بما“бимо талавна” (тиловат қилганимизга биноан), ҳадисга қарорида“бимо ровайна” (ривоят қилганимизга биноан) ва илгари келтирилган ақлий, мантиқий далилга“ما ذكرنا“бимо закарно” (зикр қилганимизга биноан) деган иборалари билан ишора килади. Шунингдек, у “насс”, яъни оят ёки ҳадис матнида келган иллат ёки сабабни текшириладиган масалани исботлаш учун мантиқий далил қилиб ишлатади. У кўпинча ақлий далилни, наклий далилдан кейин келтиради. Туғилиши мумкин бўлган савол ёки эътирозга эса, “فان قيل كذا قلنا كذا“фаин қийла казо, қулна казо” (агар бундай дейилса, шундай жавоб берамиз) иборасини ишлатган. У кўпинча ўрганаётган масала борасида, аввалимбор, Абу Ҳанифанинг буюк шогирдлари Абу Юсуф ва Мухаммад Шайбонийнинг карашини, сўнгра далилини келтиради, ундан кейин Абу Ҳанифанинг карашини зикр этиб, унинг далилини шундай изоҳлаб ўтадики, хар иккаласи учун жавоб

бўлади. Муаллифнинг ёзиш услуби, у ишлатган ўзига хос иборалар ва атамаларни яхши билиб олиш, “Хидоя”ни ўқиб, ундан фойдаланишга катта ёрдам беради.

Муаллиф “асл” деб айтса, бу билан Мухаммад Шайбонийнинг “Мабсут” асарини назарда тутган. “Мухтасар” ва “Китоб” лафзларини зикр килганда эса, “Мухтасарул-Қудурий” асарини назарда тутади.

Кўрилаётган масала “Қудурий” ёки “ал-Жомиъус-сагир”нинг масаласи бўлса, ёки “Бидоя”да зикр қилинган бўлса, сўз бошида “قال” (айтди) лафзини зикр қиласди. Агар юқоридагилардан бошқа асарларда зикр қилинган бўлса, “قال” (айтди) лафзини зикр қилмайди”... (Аҳмад ибн Мустафо Тошқўпирзода, 1995).

أَعْنَدَهُ عِنْدَهُ حَدِيثٌ تَحْمِلُ عَلَيْهِ كَذَا وَالْحَدِيثُ تَحْمِلُ كَذَا
Агар муаллиф бу ҳадис фалон маънода” деса, ҳадис имомлари томонидан яқдил хulosага келинганига ишора қиласди.

Агар “وَالْحَدِيثُ تَحْمِلُ كَذَا“ “biz уни шу маънода деб ҳисоблаймиз”, деса, ҳадис имомлари эмас, балки фақихнинг ўзи ушбу хulosага келганини тушиниш мумкин.

Қачонки “فالونчига қўра”, деса, ўша кишининг мазҳабини назарда тутган бўлади. “فالونчидан” деса, у кишидан қилинган ривоят назарда тутилади.

“Зоҳирур-ривоя”дан мақсад Мухаммад Шайбонийнинг олти китоби, “Мабсут” (бу китоб “Асл” деб ҳам аталади), “Зиёдот”, “ал-Жомиъул-қабир”, “ал-Жоме ас-сагир”, “ас-Сияр ал-қабир” ва “ас-Сияр ас-сагир” асарларини назарда тутган.

“Хидоя”да қиёс сўзи ўз жойига қараб икки хил маънода ишлатилган. Биринчиси нассда келмаган масалани нассда келган масалага тақкослаш ва унга бунинг хукмини бериш. Иккинчиси шариатда жорий бўлган умумий-куллий коидаларда.

“Хидоя” асарида муаллиф кўпинча қиёс – умумий-куллий коидаларни тарқ қилиб, масалани истеҳсон – кўпчилик илгамайдиган нозик жиҳатини эътиборга олган. Бундан мақсад шуки, олим одамлар учун шариат кўрсатмаларини осон тушуниш ва уларга қурайлик яратишга эътибор қаратади.

“Хидоя” китобининг яна бир хусусияти шундан иборатки, унда муаллиф “илмулхилоф” орқали белгилаб берилган коидаларидан кенг кўламда фойдаланган.

“Илм ал-хилоф” фанига биринчи бўлиб асос соглан аллома Абу Зайд Дабусий (Мўминов А., 2003) эди. Бурхонуддин Маргиноний “Хидоя”да хукуқий муаммоларни ечиш жараёнида факат асосий мазҳабларгагина эмас, балки зоҳирий ва авзоъий мазҳабларига доир фикр-мулоҳазаларни хам ўрни келганда текшириб ўтади ва ҳар бири ҳакида ўз нуқтаи назарини билдиради. Ушбу нуқтаи назардан “Хидоя” “Илмулхилоф”ни кенг кўламда ўрганиш учун ҳам муҳим ва эътиборли манба ҳисобланади. Айни ҳолда уни охирги даврда янги бир фан сифатида юзага келган “қиёсий хукуқ”нинг ўзига хос бир шакли деб ҳам караш мумкин.

Маргиноний фикҳий нуқтаи назардан, хукуқий масалаларни изоҳлаш жараёнида, уларнинг машруъ (қонуний) ёки номашруъ (гайриқонуний) эканлигини нақлий далиллардан кейин, ақлий далиллар билан ёритиб ўтади. Ушбу нуқтаи назардан “Хидоя”ни ислом хукуқи фалсафаси ва кейинги даврларда кенг ривожланган “хукуқ фалсафаси” фанининг манбаларидан бири деб қабул қиласак, тўғри хulosaga чиқарган бўламиз.

НАТИЖА

“Хидоя” асари таржималари. “Хидоя” асари форс, инглиз, турк, урду, рус ва дунёнинг кўплаб бошқа тилларига таржима қилиниб, гарб олимлари учун ҳам мазҳабимизни ўрганища аҳамиятли манба сифатида фойдаланилаётгани бизни қувонтиради.

Бурхонуддин Маргинонийнинг шоҳ асари “Хидоя” энг мўътабар хукуқий кўлланма сифатида тўққиз асрдан бўён бутун ислом дунёси, айниқса, Марказий Осиё мамлакатлари, Ҳинд ярим ороли, Туркия ва кўпгина араб мамлакатлари учун энг дақиқ ва ишончли манбалардан бири сифатида эътироф этилган.

“Хидоя” Европанинг энг қадимги университетларидан Франциянинг Сорбон, Англиянинг Оксфорд университети, АҚШнинг Зайтуна университети ва мусулмон оламининг энг қадимий ва нуфузли университетларидан алАЗҳар, Афғонистон Ислом университети, Ҳиндистон Алигарҳ муслим университети, Девбанд дорул-улуми, Покистон Караби Халқаро ислом университети ва бошқа мусулмон мамлакатлари олий ўқув юртларининг ўқув дастурларига киритилган. Бу машҳур китоб қонун тузиш тизимини ривожлантириш учун асосий манбалар

сифатида қўлланиб келинмоқда. Бугунги кунда ҳанафий мазҳаби таълимотига ихтисослашган ислом билим юртларида “Канз” ва “Қудурий” китобларидан кейин, “Ҳидоя”ни етук устоздан ўқиб тамомламаган толиб ҳақиқий фиқҳ олими ҳисобланмайди.

“Ҳидоя”нинг энг дастлабки таржимаси 1190/1776 йилда Бангола ҳокими Имодуд Давла Масирволнинг топшириги билан араб тилидан форс тилига мазкур шаҳар бош қозиси лавозимида бўлган Фулом Яхёхон Баҳорий, Мавлавий Тожуддин Банголий, Мир Муҳаммад Ҳусайн Эроний ва Мавлавий Шариатуллоҳ Самбҳалийлар томонидан амалга оширилган бўлиб, бу таржима “Ҳидоя” ҳомили мутун ал-Бидоя маа таржимайи форсий” номи билан 1808 йилда Калкutta шаҳрида нашр килинган (Махмуд ибн Сулаймон ал-Қафавий, иили кўрсатилмаган). Ана шу форсча таржимаси асосида Чарльс Хамелтон “Ҳидоя”ни инглиз тилига таржима қилиб, 4 жилда 1791 йил Лондонда нашр эттирган. Мазкур таржимага асарнинг бевосита ибодатга оид дастлабки тўрт китоби (“Тахорат”, “Намоз”, “Рӯза” ва “Ҳаж” китоблари) киритилмаган. Бунинг сабаби, мазкур таржимадан кўзланган мақсад, мустамлакачилар томонидан босиб олинган мусулмон мамлакатларида ерли аҳолини бошқаришда фойдаланишни мақсад қилинган бўлиши мумкин (Саидов А., 1994).

1806 йилда Ҳиндистонда хукмронлик килиб турган инглизлар мазкур икки таржимани қиёслаб кўришни Дехли мадрасаларининг бирида ҳанафий фикҳидан дарс берувчи мударрис Муҳаммад Рошид ибн Зиёвуддин Муҳаммад Бардавонийга топширадилар. У форсий таржимада тушириб қолдирилган ўринларни, таржима қилинмаган атамалар ва баъзи камчиликларни кайта тузатиб чиқади (Махмуд Ҳасаний, 2000).

1870 йил С. Гарийнинг назорати остида “Ҳидоя”нинг муҳтасар шакли ўлароқ яна бир инглизча муҳтасар таржимаси бир жилдлик ҳолда чоп этилган. Охирги марта инглизча муҳтасар таржимаси 1982 йил Лоҳурда босмадан чиқкан.

Н.Гродеков 1893 йилда “Ҳидоя”ни инглизча таржимасидан рус тилига ўтирган. Бу ўринда мазкур таржималардан кўзланган мақсадлардан қатъий назар улар араб тилидан хабардор бўлмаган ислом ҳуқуки билан шугулланувчи мутахассислар учун ҳозирги кунимизга кадар асосий қўлланмалардан бири бўлиб келмоқда.

Немис олими Экарт Шийвак тўплаган маълумотларга кўра, “Ҳидоя”нинг машҳур нашр-

лари қўйидагилардан иборат: арабча асл матни 1818 йил Калкutta шаҳрида, сўнгра Бомбей, Лакнав, Сахаранапур, Дехлида чоп этилган. XIX асрда Қоҳирада, шу асрнинг охирида Татаристоннинг (1888) Қозон шаҳрида босилган. Унинг биринчи танкидий матни 1908 йил Қоҳира шаҳрида нашр этилган ва энг сўнгти таҳририй матни хам 1980 йили Қоҳирада нашр килинган.

Бизнинг давримизда амалга оширилган “Ҳидоя” асарнинг таржималари сирасига 1991 йилда исломшунос олим Аҳмад Мейланнинг Анкарада чоп этилган араб тилидан турк тилига килган таржимасини ҳам киритиш мумкин.

“Ҳидоя”нинг русча таржимаси нусхалари камайиб, йўқолиш даражасига етган эди. Шу сабабли, юкоридаги русча таржимаси асосида 1994 йили академик Акмал Саидов томонидан “Ўзбекистон” нашриётида унинг биринчи жилди катта ададда нашр қилиниши муҳим ва хайрли иш бўлди (Саидов А., 1994). Кейинчалик академик Акмал Саидов “Ҳидоя”нинг колган кисмини ҳам рус тилида нашр эттирган. Лекин таржима жараёнда кўплаб ҳато ва камчиликларга йўл қўйилган.

Ҳидоя араб тилидан ўзбек тилига илк маротаба таникли олим, Салоҳиддин Муҳиддинов раҳбарлигига бир гурух ёш олимлар томонидан биринчи жилди (яъни, талоқ китобигача) таржима қилиниб, 2001 йил “Адолат” нашриётида босмадан чиқарилган. Аммо ушбу таржима охиригача яқунланмай колган.

“Ҳидоя” факат ислом ҳуқуқшунослари учун эмас, балки Фарб ҳуқуқшунос олимлари учун ҳам жуда эътиборли ҳуқуқий манба сифатида хизмат қилиб келмоқда. 1958 йили Мажид Ҳаддурний ва Ҳеберт Ж.Либес томонидан нашр этилган “Исломда ҳуқуқ” номли китобда асосан “Ҳидоя”дан кенг фойдаланилган (Саидов А., 1994).

“Ҳидоя” асарининг тўлиқ ўзбек тилидаги изоҳли ва академик таржимаси ҳозирги кун учун муҳим аҳамият касб этади. Жаҳонда юз бераётган кескин гоявий курашлар, диний мутаассиблик билан бөглиқ ихтилофларни тинч йўл билан ҳал этиш ислом илмларига оид янгича фикр ва ёндашувлар асосидаги демократик тамойилларга мос тадқиқотлар олиб бориш заруратини кучайтироқда. Бу борада маърифий ислом, жамият ва инсон ўртасидаги ижтимоий-ҳуқуқий муносабатлар ҳамда уларнинг ривожланиш боскичларини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. “Биз бутун жаҳон жамоатчилигига ислом динининг

асл инсонпарварлик моҳиятини етказишни энг муҳим вазифа, деб ҳисоблаймиз. Чунки ислом дини бизни эзгулик ва тинчликка, асл инсоний фазилатларни асраб-авайлашга даъват этади” (Шавкат Мирзиёев, 2017).

Ўрта асрларда яшаб ижод этган мовароуннахрлик фақих аллома ва мутафаккирлардан катта хажмдаги ноёб қўлёзма манбалар мерос бўлиб қолган. Ўзбекистон китоб фондларининг ўзида юз мингдан зиёд қўлёзма асарлар сақланмоқда. Уларнинг асосий қисми ЮНЕСКОнинг Маданий мерос рўйхатига киритилган. Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг ҳали тадқиқотга жалб этилмаган қўлёзма асарлари юртимизнинг, шунингдек, Буюк Британия, Германия, Испания, Россия, Франция, Миср, Хиндистон, Эрон каби кўплаб хорижий мамлакатлардаги кутубхоналарнинг “олтин фонди”ни ташкил этади. Ушбу фондларда юртимизнинг ижтимоий муносабатлари тарихига оид манбаларнинг сакланаётгани уларни илмий муомалага киритиш борасидаги изланишларни янада кенг қўламда олиб боришни тақозо этмоқда.

Бурхонуддин Маргинонийнинг “Ҳидоя” асари ҳам Ўзбекистон тарихида ҳуқуқий маданиятни юксалишига беназир хизмат килган асарлар сирасига киради. Дарҳақиқат “Ҳидоя” ҳар қандай онгли кишини фикрлашга ундаиди.

Албатта, қуввайи хотирага энг аввало Шарқ ижтимоий-ҳуқуқий тафаккури, маданияти маҳсули бўлган ҳам муҳим амалий аҳамиятга, ҳам юксак илмий-тарихий қийматга эга бундай асарларни буюк бобокалонларимиз ўн асрлар мукаддам яратади олган эканлар, улар қуруқ жойдан пайдо бўлмаган, деган фикр келади. “Ҳидоя” каби асарлар яратилиши учун шунга яраша шарт-шароит, ижтимоий онг ва тафаккур, маданият ва маънавият даражаси, энг муҳими, умумлаштиришга, хулоса чикаришга арзигулик муайян амалий ижтимоий-ҳуқуқий тажриба бўлмоги зарур.

“Ҳидоя” китоби фикҳ илмига оид деярли барча асосий масалаларни ўзида жамлаган. “Ҳидоя” мавзу жиҳатидан жуда кенг камровли ва сермазмун асар.

Бурхонуддин Маргинонийнинг “Ҳидоя” асари “Фатво” жанрида ёзилган фикҳ китоблар сирасига кирмайди. Балки бир шаръий масала устида бошқа мазҳабларнинг қарашларини Ҳанифий фикҳ намоёндалари билан қиёсий таҳлил қилиш асосида ёзилган асардир.

Шунинг учун китобхон “Ҳидоя” асарини ўқир экан, муаллифининг ақл-заковати, хаётий

тажрибаси, мантиқли гаплари ва мисолларига мафтун бўлади, унда келтирилган илмий, ҳукукий, диний далилларга ишонч ҳосил киласи, асар муаллифининг тилига, бадиий тасвир маҳоратига койил колади.

“Ҳидоя”ни ўрганиш ҳозирги давр ҳукукшуносларига, умуман, ўтмиш тарихимизга кизиқувчи барча ўқувчиларга маънавий рух ва қувват беришини, Аллоҳ таолодан умид қиласи.

“Ҳидоя”нинг ҳуқуқий қиймати шундаки, унинг муаллифи ўз фикрларини турли далиллар воситасида исботлаб, мустаҳкамлаб боради. Қарашлари ўқувчига тез ва тушунарли етиши учун турли манбаларни келтиради.

“Ҳидоя” тилининг соддалиги билан китобхонни ўзига тортади. Маргинонийнинг баён услуби асарни барча учун бирдек, ўқишли килган.

“Ҳидоя” бир неча асрлар давомида кўп мусулмон мамлакатларида, жумладан, Осиёда ҳам ҳуқуқшунослик бўиича энг асосий қўлланма хисобланиб, Ўзбекистонда 1917 йил октябрь тўнтаришидан кейин ҳам, то 30-йилларгача шариат қозилари бекор килиниб, шўро суд тизими жорий қилингунга қадар амалда бўлиб келди.

“Ҳидоя” асари Халқаро ислом Академияси, Ўзбекистон мусулмонлари идораси қошидаги Имом Бухорий номидаги Ислом институти ва бир катор диний ўқув юртларида, талабаларга шариат нормаларини ўргатишда асосий дарслер сифатида қўлланиб келинмоқда.

Ўйлаймизки, ушбу туркумда энг мўътабар фикхий асарлардан бири саналган, миллий давлатчилигимиз ва ҳукукимиз тарихидан, Ўрта асрлар ижтимоий муносабатлардан ҳикоя қилувчи ушбу мўътабар асарнинг тўлиқ таржимаси сиз азиз ўқувчиларга кимматли маълумотларни беради. Биз Аллоҳ таолодан тавфик ва ёрдам сўраган холда ушбу асарни бугунги кун ўзбек тилига таржима қилиб, уни сиз азизлар эътиборига тақдим этишимиз бизларни беҳад мамнун этади. Агар ушбу камтарона изоҳли таржимамиздан фойда олсангиз Аллоҳ таолодан деб билгайсиз. Улкан ва бой ҳуқуқий меросимизга оид ноёб китобларни ўзбек тилида чоп қилиниши ўзбек ҳалки учун жуда катта рамзий маънога эга. Ҳар қандай юртимиздан етишиб чиккан мутафаккирни эъзозлаш, уни ҳурматлаш, хотирасини ёдайлаш, ижодига ҳаққоний баҳо бериш асарларини ўрганиш ва ҳалқ оммасига тақдим этиш соҳа мутахассисларининг бурчидир.

Ушбу китоблар мажмуаси “Ҳидоя фил-фурӯ” (фикҳ соҳалари ҳакида Ҳидоя) асарининг

ўзбек тилидаги илк бор тўлиқ ҳолда килинган илмий, изоҳли-академик таржимасидир.

“Ҳидоя” араб ёзувида ёзилганлиги ва охирги юз йиллик даврида мазкур имло муомаладан чиқариб ташланиб, ҳалқимизнинг бу борадаги саводхонлиги қарийб йўқ даражага тушиб қолганлиги сабаб кўпчилик ҳалқимиз уни ўқий олмай қолган эди. Шунинг учун араб ёзуви ва тилини яхши билмайдиган бизнинг давримизда, илмга, маърифатга ва фиқҳ илмини билишга чанқоқ ҳалқимизни ўйлаб, “Ҳидоя”ни минтақамиз ҳалқлари учун ҳозирча кенг истеъмолда бўлиб турган имлода нашр этиш мақсадга мувофиқ деб топилди.

ХУЛОСА

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, “Ҳидоя”-нинг ўзбек тилига илк бор амалга оширилган ушбу илмий, изоҳли-академик тўлиқ таржимаси қуидаги жиҳатлари билан бошқаларидан фарқ қиласи: Таржимада Ўзбекистон Ҳалқаро Ислом Академияси манбалар хазинасида 3148 инвентар рақам остида сақланаётган “Ҳидоя” асари асос қилиб олинди. Ушбу қўлёзма нусха 2003 йил август ойида Ўзбекистон Республикаси Раҳбарияти томонидан Тошкент ислом университети Манбалар хазинасигатуха қилинган. Ушбу нусха асарнинг, қадимий қўлёзмаларидан бири бўлиб, “Китобут-таҳорат” билан бошланади ва “Китоб ал-хунсо” (Хунасалар китоби) билан якун топган. Мазкур қўлёзма XIII асрга оид бўлиб, нусха 900 варақдан иборат, насх хатида кўчирилган.

– “Ҳидоя” асарининг арабча матни 2019 йилда Мадинайи Мунавваранинг “Дор ас-сирож” нашриётида араб тилида нашр этилган тадқиқоти билан танқидий матншунослик жиҳатидан қиёсланган;

– таржимада арабий матнда келган усул ва фуруъ фиқхига доир қоидаларни мисоллар келтириш орқали изоҳлаб кетилган;

– илмий жамоатчилик ва китобхонлар оммасини назарда тутиб Ҳидоянинг асл матнини бериш билан бирга таржимасида изоҳ талаб фиқҳий масалаларга мисоллар орқали изоҳлар берилган;

– Жамолиддин Абу Муҳаммад ибн Юсуф Зайлаъйнинг “Насб ар-роя фи аҳадис ал-Ҳидоя” ҳамда Ибн Ҳажар Асқалонийнинг “ад-Дироя фи таҳrij аҳадис ал-Ҳидоя” асарлари асосида

Ҳидоя матнида келган ҳар бир ҳадис ҳақида тўлиқ маълумотлар бериб кетилган;

– асарда номи келган ўқувчиларга маълум бўлмаган жой номлари бугунги кунда қандай номланиши географик жиҳатдан қайси давлат худудида жойлашгани кўрсатиб ўтилган;

– муаллиф яшаган даврдаги ўлчов бирликларини бугунги кундаги ўлчов бирликлари билан қиёслаб таҳлил ва тадқиқ қилинган;

– ўқувчига маълум бўлмаган буюк фақихлар, уларнинг асарлари ва саҳобалар ҳақида қисқача маълумотлар берилган;

– олдинги таржималардан фарқли равишда ушбу китоб дастлаб арабча матни, тузатилган ва таҳrir қилинган шаклда, сўнг матн таржимаси содда ва равон ўзбек тилида изоҳли таржима қилинган;

Тажрибадан маълумки, толиби илмлар учун “Ҳидоя” асари каби фундаментал асарлар матнларини ўзлаштириш қийин бўлганлиги сабабли ҳозирги диний ўқув юртларида ҳанафий фиқҳ китоблари тўлиқ ўқитилмайди. Ушбу ҳолатни эътиборга олиб бўлажак мутахассислар буюк фақихларимизнинг асарларидан тўлиқ маълумот олишсин деган мақсадда, китобни арабча матнини ҳам, ўқиши қулагаштирилган шаклда берилган. Матн тўлиқ тушунарли бўлиши учун қавс ичидағи жумланинг мазмунини тўлдирувчи изоҳлар бериб ўтилган;

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, Бурхонуддин Маргиноний мусулмон ҳукуқшунослиги тарихида чукур из қолдирган, саккиз асрдан бўён дунё ҳукуқшунослари дикқатини ўз Ватани Маргилон, Фаргона, Ўзбекистонга жалб этиб келган буюк аллома ва иқтидорли фақихdir. Унинг шоҳ асари “Ҳидоя” ҳозирги кунгача нодир фиқҳий асар сифатида ўз аҳамиятини сақлаб келмоқда.

МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Brockelmann C. (1898–1993). Geschichte der a.). XI ve XII Asırlarda Karahanlılar Devrinde Ma varâ’ al-Nahr İslom Hukukçuları. Анкара: Sevinç Matbaası.
2. Muellîfler jamoasi. (1997). Islam Ansiklopedisi. J. 16. İstanbul: Hanefî Mezhebi-Haya.
3. Аҳмад ибн Мустафо Тошкўпирзода. (1995). Мифтоҳ ас-са’ода ва масобих ас-сийода. Ж. 11. Қохира: Дор ал-кутуб ал-ҳадисийя.
4. Кориев Одил. (1993). “Бурхонуддин ал-Марғиноний - ҳукуқшунос” / “Шарқшунослик” тўплами. Тошкент: нашриёти кўрсатилмаган.

5. Қориев Одил. (2009). Фаргона фиқх мактаби ва Бурхонуддин ал-Маргиноний. Тошкент: Фан нашриёти.
6. Лыкошин Н. (1907). Автор Хидай . Туркестанские ведомости. нашриёти кўрсатилмаган.
7. Мақсұдхұја ибн Мансурхұја. (2015). Мажмәй-ул мақсұд // Мұхтасар үл-Викоянинг шархи. Ж. 2. Тошкент: Шарқ нашртёти.
8. Маҳмуд ибн Сулаймон ал-Кафавий. (йили кўрсатилмаган). Мунтахаб а‘лом ал-ахёр фи табақот ҳанағий ал-мухтор. Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти Кўллэзмалар фонди // Кўллэзма.
9. Маҳмуд Ҳасаний. (2000). Ал-Маргинонийнинг “Ҳидоя” асари ва унга ёзилган шарҳлар. Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги ҳалқ мероси нашриёти.
10. Маҳмуд Ҳасаний. (2000). Ал-Маргинонийнинг “Ҳидоя” асари ва унга ёзилган шарҳлар. Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги ҳалқ мероси нашриёти.
11. Мўминов А. (2003). Ҳанағий уламоларнинг марказий Мовароуннаҳр шаҳарлари ҳаётида тутган ўрни ва роли (II–VII/VIII–XIII асрлар). Тоўкент: тошкент ислом университети нашриёти.
12. Мустафо ибн Абдуллоҳ Илдли. (1981). Kashf az-zunun ‘an asmo’ al-kutub wa-l-funun. Ж. 2. Макка: Мактаба ал-Файсалийя.
13. Сайдов А. (1994). Ҳидоя. Ташкент: Адолат нашриёти.
14. Соид Бектош. (2019). “Таҳқиқ ал-Ҳидоя” Ж. 1. Мадина ал-Мунаввара: Дор ас-Сирож.
15. Ҳожи Халифа. (1981). Kashf az-zunun ‘an asmo’ al-kutub wal-funun. Ж. 2. Макка: Мактаба ал-Файсалийя.
16. Шавкат Мирзиёев. (2017). Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқ. Ma'rifat, нашриёти кўрсатилмаган.
7. Maqsudhoja ibn Mansurhoja. (2015). Majma'-ul Maqsud // Commentary on Mukhtasar al-Wiqaya. Vol. 2. Tashkent: Sharq publishing house.
8. Mahmoud ibn Suleiman al-Kafavi. (year not specified). Muntakhab al-Alam al-Akhyar fi Tabaqat Hanafi al-Mukhtar. Tashkent: Manuscript Fund of Institute of Oriental Studies named after Abu Rayhan Biruni // Manuscript.
9. Mahmud Hasaniy. (2000). Al-Marg'inoniyning "Hidoya" asari va unga yozilgan sharhlar. Tashkent: Abdulla Qodiriy publishing house.
10. Mahmud Hasaniy. (2000). Al-Marg'inoniyning "Hidoya" asari va unga yozilgan sharhlar. Tashkent: Abdulla Qodiriy publishing house.
11. Mo'minov A. (2003). Hanafiy ulamolarning markaziy Movarounnahr shaharlari hayotida tutgan o'rni va roli (II–VII/VIII–XIII asrlar). Tashkent: "Toshkent islom universiteti" publishing house.
12. Mustafa ibn Abdullah Ildli. (1981). Kashf az-zunun 'an asma' al-kutub wa-l-funun. Vol. 2. Makkah: Maktaba al-Faisaliyya.
13. Saidov A. (1994). Hidoya. Tashkent: Adolat publishing house.
14. Said Bektash. (2019). "Tahqiq al-Hidayah" J. 1. Madina al-Munawwara: Dar al-Siraj.
15. Haji Khalifa. (1981). Kashf az-zunun 'an asma' al-kutub wa-l-funun. Vol. 2. Makkah: Maktaba al-Faisaliyya.
16. Shavkat Mirziyoev. (2017). Speech at the 72nd session of the United Nations General Assembly. Ma'rifat, publisher not specified.

REFERENCES

1. Brockelmann C. (1898–1993). Geschichte der a.). XI ve XII Asırlarda Karahanlılar Devrinde Ma varâ' al-Nahr İslom Hukukçuları. Анкара: Sevinç Matbaası.
2. Muellifler jamoasi. (1997). Islam Ansiklopedisi. Vol. XVI. İstanbul: Hanefî Mezhebi–Haya.
3. Ahmad ibn Mustafa in Tashkobrizada. (1995). Miftah as-sâ'ada and masabih as-siyada. Vol. 11. Cairo: Dar al-kutub al-hadithiyya.
4. Qoriyev Odil. (1993). “Burhonuddin al-Marg'inoniyy - huquqshunos” / “Sharqshunoslik” colecion. Tashkent: npublishing house is not shown.
5. Qoriyev Odil. (2009). Farg'ona fiqh maktabi va Burhonuddin al-Marg'inoniyy. Tashkent: Fan publishing house.
6. Likoshin N. (1907). Avtor Xidai . Turkestanskiye vedomosti, (publishing house is not shown).



**ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ
ИМОМ МОТУРИДИЙ ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ МАРКАЗИНинг
“МОТУРИДИЙЛИК” ЖУРНАЛИ**

Мазкур нашр олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот муассасаларининг профессор-
ўқитувчилари, докторантлари, мустақил тадқиқотчилари, магистрантлари,
талабалари ва кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Тахририят фикри муаллиф нуктаи назари билан бир хил бўлмаслиги мумкин.
Журналдан қўчирма олинганда манба қайд этилиши шарт.

MOTURIDIYLIK



The Maturidiyya - الماتريديّة - Матуридизм

1/2023

Бош мұхаррір: Ж.Каримов

Мұхаррір: З.Фахриддинов

Нашр учун масъул: З.Арслонов

Чет тилларидаги матнлар мұхарріри: О.Сотвoldиев

Дизайнер-саҳифаловчи: З.Ғуломов

Манзилимиз: Ўзбекистон халқаро ислом академияси Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот маркази, 100011, Тошкент. А.Қодирий кўчаси, 11.
Тел: (+99871) 244-35-47, (+99871) 244-35-36. **Web:** www.maturidijournal.uz
E-mail: info@moturidiy.uz

Нашриётнинг лицензия рақами AI № 0011. 06.05.2019 йил.
Босишга 03.05.2023 йил рухсат этилди. Бичими $60 \times 84 \text{ cm}$.
Ризограф усулда босилди. Шартли босма табоби 10,2.
Нашр табоби 10,4. Буюртма № 06.
Баҳоси шартнома асосида.

“Ўзбекистон халқаро ислом академияси”
нашриёт-матбаа бирлашмаси босмахонасида чоп этилди.
100011, Тошкент. А.Қодирий кўчаси, 11.



IMOM MOTURIDIY

XALQARO ILMIY-TADQIQOT MARKAZI
INTERNATIONAL SCIENTIFIC RESEARCH CENTER

المركز الدولي للبحوث العلمية

Jurnalga maqolalar qabul qilish
uchun maxsus veb-sayt:

🌐 www.maturidiyjournal.uz

📞 +998971 244-35-36

✉️ @moturidiyuz

🌐 www.moturidiy.uz

✉️ info@moturidiy.uz